2024-yil 23-noyabr
shanba

№145
(5053)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

ЯШИЛ МАКОНГА ҲАР БИРИМИЗ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК!



СУРАТДА: *хоразмлик касаба уюшма фаоллари кўчат экиш жараёнида.*
Муҳаббат ТЎРАБОЕВА («Ishonch») сурат-лавҳаси



Асаджон ХОДЖАЕВ,
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори

Муносабат

Замон ва макон тушунчалари жуда қадимий тарихга эга. Уларнинг замирида мамлакат тарихи, бугуни ва эртаси мужассамланган бўлади. Яқинда Германияда 1945 йилдан буён чоп этиладиган «Berliner Zeitung» газетасида ушбу нашр Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг сиёсий шарҳловчи, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан суҳбати ***«Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: йўқотилган қалбни излаб...»*** *сарлавҳаси остида эълон қилинди. Уни ўқиш асноси юқорида айтилган моҳият ўз ифодасини топганига амин бўлдим.*

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН БАРҚАРОР КЕЛАЖАК



Аввало, ушбу фундаментал мулоқот Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган давлатчилик йўли, миллий ўзликнинг шаклланиши билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, мафкуравий жараёнлар ва «Янги Ўзбекистон» концепциясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти чуқур таҳлил қилингани билан аҳамиятлидир. Унда собиқ иттифоқ давридан қолган оғир ижтимоий-сиёсий мерос, минтақадаги геосиёсий вазият ва глобаллашув таъсирида мамлакатнинг мураккаб тараққиёт йўлидан ўтиши, шунингдек, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва янги ташаббуслар аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берилган.

Маълумки, мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларда ҳам миллий ўзликни англаш, уни ҳимоя қилиш эҳтиёжи юзага келди. Айни вақтда узоқ йиллар ҳаёти амалда мустамлакачилик таъсирида кечган жамият олдида ўз келажагини буюк тарихига мос тарзда яратиш, мавжуд умумий идеологиядан воз кечиш ва янги миллий мафкурани шакллантиришдек мураккаб вазифалар турарди.

Устига-устак, мустамлака давридан қолган асоратлар, хусусан, Марказий Осиё давлатлари тарихий чегараларининг бузилгани – этник муаммолар, турли низо ва қарама-қаршиликлар манбаи бўлиб қолгани ҳам сир эмас. Бундан ташқари, минтақада ҳалигача турли тарихий талқинлар мавжудлиги ҳам қўшни давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда ўзига хос муаммолар туғдирарди.

Ана шундай вазиятда Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати диверсификация қилинди. Умумий тарихий, маданий ва этник хусусиятлар негизида минтақавий интеграциянинг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, ҳамкорликдаги йирик лойиҳалар илгари сурилди ва бу жараёнда Ўзбекистоннинг етакчилик ролини таъминлашга, қўшни давлатлар билан барқарор алоқаларни тиклашга боғлиқ муҳим қадамлар қўйилди.

Ташқи сиёсатдаги очиқлик ва қўшни давлатлар билан ҳамкорликнинг кучайиши нафақат минтақадаги барқарорликни таъминлашга, балки Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда мустақил ва таъсирчан иштирокини кучайтиришга ҳам хизмат қилди. Янги Ўзбекистон фақат қўшни давлатлар билан мулоқотдагина эмас, балки турли халқаро ташкилотларда ҳам ўзининг мустақил позициясини мустаҳкамлаб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган «2027 йил – Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили» (2024 йил февраль), «Деградацияга учраган ва қурғоқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дарахт экиш ва уларни тарғиб қилиш – экологик муаммоларга қарши курашнинг самарали ечими» (2024 йил август) резолюциялари БМТ бош қароргоҳида Ташкилот Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан маъқулланган бунинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаш лозимки, «Янги Ўзбекистон» концепцияси нафақат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, балки миллатнинг маънавий қиёфаси билан ҳам узвий боғлиқ. Миллий ўзликни тиклаш, тарихий меросни қадрлаш ва жамиятни модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мазмуни ҳам буни яққол намоён этмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида бугун Янги Ўзбекистон жаҳонда чуқур маънавий қайта тикланиш ва миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш йўлига кирган мамлакат сифатида намоён бўлмоқда. Республикамиздаги сиёсий ислоҳотлар миллий ўзликни шакллантириш билан бир қаторда, минтақавий интеграцияга ва глобал майдондаги субъективликка йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир. «Янги Ўзбекистон» концепцияси миллий қадриятлар, тарихий мерос ва замонавий дунёқарашни уйғунлаштириб, жамиятни барқарорлик ва ривожланиш сари етакламоқда.

Умуман олганда, мулоқот жараёнида Янги Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида «Инсон қадри учун» деган тамойил асосида белгилаб олган йўлидан оғишмай, дадил бораётгани чуқур таҳлил қилинган. Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистон бугун ўз тарихи ва маданиятига асосланган миллий ўзликни тиклаш билан бирга, дунё ҳамжамиятидаги ўрнини ҳам мустаҳкамламоқда. У глобаллашувнинг кучайиб бораётган босимига қарши, ўз миллий манфаатларига асосланган ҳолда, барқарор ва фаровон келажак сари қадам ташламоқда.

Миннатдорлик



КАСАБА УЮШМАЛАРИГА КАТТА РАҲМАТ!

– Навоий шаҳар Конимех тумани Тиббиёт бирлашмасидаги шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайман, – дейди Зулфия Йўлдошева. – Фаолиятимга бу йил 35 йил тўлди. Салкам 10 йил аввал, турмуш ўртоғимдан айрилиб, тўрт нафар фарзандим билан қолгандим. Рўзғор, бола-чақа ташвишидан ортиб, сиҳатгоҳларга боролмаганман. Байрам муносабати билан менга бепул йўлланма беришганида, жуда қувондим. Бу ердаги шароитлар, хизматлар менга жуда манзур бўлди. Ходимларнинг муомаласини эса, айтиб тугатолмайман. Касаба уюшмаларига катта раҳмат!

Бир муддат аввал, тиббиёт ходимлари куни муносабати билан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан соҳада узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган 50 нафардан ортиқ ходимга Тошкент вилоятидаги «Умид гулшани» ҳамда «Кўҳинур» санаторийларига бепул йўлланмалар тақдим этилган эди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Тошкент вилояти масъуллари сиҳатгоҳларда дам олаётган ана шу ходимлар ҳолидан хабар олишди.

«Умид гулшани» ҳамда «Кўҳинур» санаторийларида соғлиғини тиклаётган тиббиёт ходимлари иштирокидаги ушбу тадбирларда улар билан дилдан суҳбат уюштирилди. Якунда ҳар бир ходимга Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Ўрганиш

ҚОНУН ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ

Фарғона вилояти Данғара туманида яшовчи З.Турсунбоева касаба уюшмаларига арз қилди. Мурожаатнинг қисқача мазмуни шундай эди: унинг турмуш ўртоғи иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган. Аммо иш берувчи марҳумнинг оила аъзоларига бир йўла тўланиши лозим бўлган товон пули ҳамда ойма-ой тўланиши керак бўлган маблағни ўз вақтида тўлаб бермаяпти.

Ўрганишларда маълум бўлишича, А.Турсунбоев Данғара тумани электр таъминоти бўлимида электромонтёр вазифасида ишлаган. 2024 йилнинг 28 мартида у билан иш вақтида бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Қўқон шаҳридаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимида кўрсатилган муолажаларга қарамасдан у 4 апрелда вафот этган.

Меҳнат қонунчилигига биноан, ходим иш пайтида ҳалок бўлса, иш берувчи масъулиятни тўлиқ зиммасига олиши, етказилган моддий ва маънавий зарарни марҳумнинг оила аъзоларига тўлаб бериши жоиз.

Иш юзасидан олиб борилган текширувлар мурожаатчи ҳақ эканини кўрсатди. Бу бўйича иш берувчига кўрсатма хати киритилди. Аммо иш берувчи марҳум А.Турсунбоевга етказилган зарар пулларини улар эмас, суғурта компанияси қоплаб бериши лозимлигини важ қилиб, муаммони ўзидан соқит қилди. Ноилож, иш судга оширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан марҳумнинг турмуш ўртоғи ва фарзандлари фойдасига иш берувчидан 208 миллион сўмга яқин бир йўла бериладиган бир марталик нафақа ҳамда 5 миллион сўм маънавий зарар ундириб берилди. Шунингдек, иш берувчига марҳумнинг оила аъзоларига ойма-ой тўланиши жоиз бўлган маблағни ўз вақтида тўлаш мажбурияти юклатилди.

Бобур АБДУЛЛАЕВ,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат инспекцияси меҳнат ҳуқуқ инспектори

ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Ҳуқуқ

Республика тез тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон филиалида ишловчи бир гуруҳ реанимация бригадаси фельдшерлари жорий йил апрелида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича меҳнат техник инспекторига ходимларнинг тариф ставкасига (лавозим маошига) 25 фоиз миқдорида қўшимча тўлов тўланмаётгани ҳақида мурожаат қилган эди.

Ўрганиш асноси қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича иш берувчига кўрсатма хати киритилди. Аммо унда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилмади.

Шундан сўнг ходимлар манфаати йўлида фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига даъво аризалари йўлланди. Натижада суд қарори асосида 17 нафар реанимация бригадаси фельдшерига 2023 йил январь ойидан бошлаб тариф ставкасига 25 фоиз миқдорида қўшимча тўлов тўлаш мажбурияти юклатилиб, 182 миллион 659 минг 402 сўмлик қўшимча тўловлар ундириб берилди.

Пўлат АБДИЯЗОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича меҳнат техник инспектори

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

Минтақавий семинар

Янги ижтимоий шартнома: КАСАБА УЮШМАЛАРИ НИГОҲИДА



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашида Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликда «Янги ижтимоий шартнома: касаба уюшмалари нигоҳида» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Унда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV)нинг Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергеюс Гловацкас, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Сайфулла Аҳмедов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон ва Наманган вилоятлари кенгашлари бўлим мудирлари ва республика тармоқ касаба уюшмаларининг вилоятлардаги масъул раҳбарлари иштирок этди.

Семинар аввалида иштирокчилар Фарғона вилояти кенгаши фаолияти билан таништирилди. Ўтган ўн ой давомида 600 нафар фуқаронинг муаммолари ҳал этилиб, 3 млрд. сўмдан зиёд иш ҳақлари ундириб берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев таъкидлаганидек, бугунги кунда касаба уюшмалари тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, унинг нуфузи йил сайин ошиб, ишчи-ходимларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланиб бормоқда.

Анжуманда сўз олган Халқаро Меҳнат Ташкилоти Меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV)нинг Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергеюс Гловацкас дунё миқёсида ўзгариб бораётган иқтисодий, ижтимоий ва экологик воқеликлар контекстида янги ижтимоий шартномани ишлаб чиқиш ва миллий ҳамда минтақавий даражаларда татбиқ этиш долзарблигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистонда муносиб меҳнат ва ижтимоий адолатни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, ислоҳотларнинг инсон манфаатларига, айниқса, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва муносиб шароитларда меҳнат қилишга хизмат қилаётганини ҳам эътироф этди.

Конференция давомида иштирокчилар Европа ва Марказий Осиё минтақаларида ижтимоий адолатни таъминлаш, меҳнат бозорида барқарорликни сақлаш ва ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларни муҳокама қилдилар.

Семинарда ижтимоий адолат ҳар қандай ижтимоий шартноманинг асосини ташкил этиши, унинг самарадорлиги ижтимоий адолатга муносиб меҳнат орқали эришишга боғлиқ экани алоҳида қайд этиб ўтилди.

Аброр ОТАБОЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири

Мулоқот



БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА НИМА ГАП?

Тошкент вилоятидаги бошланғич ташкилотларда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раҳбариятининг меҳнат жамоалари билан учрашувлари ўтказилди. Хусусан, Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов ҳамда масъул ходимлар Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактаби ҳамда Қибрай туманидаги 34-кўптармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида бўлишди. Ҳар иккала муассасадаги шароитлар, бошланғич ташкилотлар фаолияти кўздан кечирилиб, жамоа аъзолари билан мулоқот уюштирилди.

Учрашувларда касаба уюшмаларининг аъзолар ижтимоий-ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатлари йўлида олиб бораётган ишлари ҳақида сўз борди. Шу билан бирга, камбағалликни бартараф этиш, жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланишини назорат қилишда жамоат ташкилотининг ҳиссаси катта бўлаётгани эътироф этилди.

Якунда муассасаларнинг энг фаол ходимларига эсдалик совғалари топширилди.

Равшаной ГАЗИЕВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Тадбир

КЎНГИЛЛАР КЎТАРИЛДИ

Сирдарёдаги «Мурувват» интернат уйида ўзгалар парваришига муҳтож опа-сингилларнинг яшаши, даволаниши, дам олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. 170 нафар ишчи-ходим уларга кўнгилдагидай тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатмоқда.

– Бу ерда яшаётган аёлларнинг ҳеч нарсага муҳтожликлари йўқ, – дейди муассаса дорихонаси мудираси Жамила Душабоева. – Уларни турли ташкилотлардан саховатпеша инсонлар, яқинлари йўқлаб келишганда хурсандчилиги еру кўкка сиғмай кетади. Ушбу жамоада салкам 20 йилдан буён ишлаб келаётган бўлсам, турли ташкилотлардан, айниқса, касаба уюшмаларидан жуда кўпчилик бу инсонларнинг ҳол-аҳволидан тез-тез хабар олиб туришларига гувоҳ бўлганман.

– Касаба уюшмаларидан биз ҳам миннатдормиз, – дея суҳбатга қўшилади катта ҳамшира Дилором Тошева. – Ҳамиша уларнинг эътиборидамиз. Айни чоғда интернат уйида истиқомат қилаётган аёлларнинг саломатлиги доимий равишда 34 нафар тиббиёт ходими назоратида. Психолог шифокор Ашура Алимова, ҳамшира Гулойша Сагандикова сингари саломатлик посбонлари узоқ йиллардан буён ўз вазифаларини садоқат билан адо этиб келишяпти.

Яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов бошчилигидаги гуруҳ «Мурувват» уйининг янги биносида қулай шароитларда парваришланаётган аёлларнинг ҳол-аҳволидан хабар олди. Уларга ва ишчи-ходимларга совға-саломлар улашди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



САМАРАЛИ ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши очиқ мулоқот ўтказди. Унда даволаш-профилактика муассасалари иш берувчилари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, касаба уюшмалари фахрийлари, бошланғичлар раислари, фаоллар, ташаббускор ёшлар иштирок этди.

– Касаба уюшма аъзоларининг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги йилларда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди шаҳар кенгаши раиси Гулноза Тошпўлатова.

Тадбирда кўп йиллик самарали хизматлари учун касаба уюшмалари фахрийлари, фаоллари, ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратилишини таъминлаётган иш берувчилар Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»

Мулоҳаза

ИНСОФНИНГ ЧЕГАРАСИ ҚАЕРДА?

«САЙЁР ҚАБУЛДА МУАММО ОСОН ҲАЛ БЎЛАДИ. ҲАР САФАР ҲОКИМ ҚАБУЛИГА КИРИБ, МАСАЛАНИ ШАРТТА АЙТАМАН, ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА МАСЪУЛ РАҲБАР МУАММОДАН ХАБАРДОР ҚИЛИНАДИ ВА МАСАЛА ТЕЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ».

Бу машинада кетаётган ўрта ёшлардаги йўловчининг суҳбатдошига айтган гапи.

– Бугун нима масалада мурожаат қилдингиз? – сўради йўловчи шеригидан.

– Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ер сўрагандим, 10 йилга 15 сотих ер аукцион орқали ижарага бериладиган бўлди.

– Ҳа, яхши бўлибди. Кейинги қабулда нима сўрамоқчисиз?

– Хабарингиз бор, уйимда ёнғин чиққандан кейин болаларим билан бир хонада яшаяпмиз. Шунга бизга шинамроқ бир уй қуриб беришса, яхши бўларди.

Манзилга етгунча ҳокимга мурожаат қилган амаки муаммоларини айтиб, нолиб келди. У таксидан тушгач эса суҳбатдоши гап бошлади.

– Бу киши бизнинг маҳалладан. Ишлайман деса иш кўп, лекин ҳеч қаерда ишламайди. Қачон қараманг, ҳокимиятда бир муаммоси билан турган бўлади. Тўғри, яқинда уйида ёнғин чиққанди, ҳокимият уйини таъмирлашда ёрдам қилди. Қийналиб қолишмасин, деб фарзандининг контрактини тўлаб, соғин сигир ҳам олиб беришди. Бироқ бу одамнинг муаммоси тугамайди. Борди-ю, бирор мурожаати рад этилса, бормаган жойи қолмайди, оламга жар солади. Сайёр қабулда иш топиб берилса ҳам ишламайди, қачонгача давлат ёрдам беради? Тўрт мучаси соғ бўлса, нега ишламайди?

Инсофсиз раҳбар, ноинсоф сотувчи, инсофсиз солиқчи... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Аслида айрим одамларнинг давлатдан, ҳокимиятдан шахсий манфаат илинжида ўзини ҳар кўйга солиб, турли нарсалар талаб қилиши, берилган ёрдамга қаноат қилмай, ўзини бечора кўрсатиши ноинсофлик эмасми? Кўнгилни хира қилувчи бундай ҳолатларни кузатиб, ёқа ушлайсан. Наҳотки, ориятдан, андишадан узоқлашиб кетдик.

ТУЯ БЕРИНГ, ҚЎЙ БЕРИНГ...

Касаба уюшмаларига Пахтачидан иккита ғалати хат келди. Улардан бирининг эгаси доимий «мижоз»лардан. Қарийб олти йилдирки, унинг арзи ҳоли тугамайди. Турмуш ўртоғи ва ўзи ишсизлиги, фарзандлар парваришида қийналаётганини айтиб, мурожаат қилганди.

Касаба уюшмалари унинг ишга жойлашишига кўмаклашди. Оилавий шароити инобатга олиниб, битта тикув машинаси ҳам совға қилинди. Рўзғорга барака киритилиши мумкин бўлган барча чоралар кўрилди. «Мижоз» касаба уюшмаларидан имкон даражада кўмак олгач, яна қўлига қалам олишдан тийилмади. Энди бошқа идоралар эшигини черта бошлабди. Шундай мурожаатларидан бири айланиб-айланиб, яна касаба уюшмаларига келиб тушади. Аризада оилавий шароит баён қилиниб, битта «совға» сўралган.

– Ушбу оила вакиласидан илк мурожаатни 2019 йилда қабул қилганмиз. У турли ташкилотларга шароитини яхшилашга кўмаклашиш борасида мурожаатлар йўллаб келади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши Мурожаатлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Санобар Жапарова. – Бундан беш йил илгари мурожаати бўйича телевизор совға қилинганди. Бундан ташқари, унга рўзғорда асқатадиган кўп жиҳозлар берилган. Аммо муаммоси ҳеч тугамайди.

Касаба уюшмаларига тез-тез мурожжаат қиладиган бундай «таниш чеҳра»лар оз эмас. Тўғри, мурожаат борасида ҳеч кимнинг ҳуқуқи чекланмаган. Аммо бу ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ўтакетган ноинсофлик эмасми?

«БАЛИҚ ЭМАС, ҚАРМОҚ СЎРАГАНМАН»

Қўшработлик ёш аёл кўприкдан йиқилиб тушади ва оёғи лат ейди. Эътиборсизлиги боис жароҳат авж олади. Охир-оқибат битта оёқни кесишга тўғри келади. Шундоқ ҳам қўл учида кун кўрадиган оилага жуда қийин бўлади. Эр ишсиз, хотин бемор. Тўрт нафар ёш бола ейман-ичаман, деб чирқиллайди.

– Чорасизликдан қўлтиқ таёқда бўлса-да, сайёр қабулга бордим дейди, – у (исм-шарифини ошкор этишни истамади). – Оиламизга ваъда қилинган моддий ёрдамни рад қилиб, битта замонавий тикув машинаси олишимга ёрдам беришларини сўрадим. Касаба уюшмалари томонидан ажратилган дастгоҳ уйимизга келтирилганда жуда хурсанд бўлганмиз.

Орадан беш йил ўтди. Бу оилада ўзгариш катта. Ҳовли чиройли таъмирдан чиқарилган. Хонадонга файз киргани шундоқ билиниб турибди.

– Касаба уюшмалари кўмагида қаддимизни тикладик, – дейди бека. – Турмуш ўртоғим ҳам ишли бўлди...

Суҳбат асносида аёнлашдики, аёл хасталиги сабаб тикув машинасида кўп ўтириб ишлай олмабди. Ҳунарини ғирт бекорчи турмуш ўртоғига ўргатибди. «Эр-хотин қўш ҳўкиз», деганларидек аёли буюртма оладиган, эри эса буюртмани шарилатиб тикадиган бўлибди. Шу-шу ишлари юришиб кетибди.

– Эркакларда сабр-матонат, куч кўп бўларкан, – дейди аёл. – Мен битта буюртмани икки-уч кунда битирардим. Хўжайним тикиш сирларини пухта ўргангач, уч соатда битта либосни битирадиган бўлди. Ҳозир мижозларимиз жуда кўп. Эрталаб олинган буюртмани кечгача эгасига топширамиз.

Ҳа, давлатимиз кўмагини юракдан ҳис қилиб, ҳаётини ўнглаб олганлар кўп. Аммо ўлгунимча давлат боқиши керак, фақат менга бўлиши керак, дея турли эшикларда кўзини лўқ қилиб юрганлар ҳам оз эмас.

Шундайларга инсоф берсин!

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ,
журналист

Бирни кўриб...

КЎПЛАРНИНГ ҲАЁТИГА РАНГ КИРИТАЁТГАН ТАШАББУС

Камбағалликни қисқартириш йўлида амалга оширилаётган ишларга бир назар

Ҳаёт мураккаб ва чигал. Турмуш турли ташвишу синовларга тўла. Кимдир бой-бадавлат, кимнингдир моддий аҳволи танг. Кимдир бахтдан сармаст, кимнингдир дарди ичига сиғмайди. Бир маромда кетаётган кунлар бир сабаб-баҳона билан бутунлай ўзгариб, ишлар, режалар орқага кетиши ҳеч гап эмас. Буни ҳаёт дейдилар, ахир...

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида яшовчи Зарофат Рихсибоеванинг бошига ҳам кутилмаганда катта ташвиш тушди. Соппа-соғ юрган турмуш ўртоғи тўсатдан оғир хасталикка чалиниб, тўшакка михланди. Шундоқ ҳам бир нафар фарзанди II гуруҳ ногирони бўлган аёлга бу синов қаттиқ зарба бўлди. Бу вақтда ўғли институтда, қизи коллежда таҳсил олаётган эди.

Эркак ишдан қолгач, оилада етишмовчилик бошланди. Аёл рўзғор юкини елкасига олишга мажбур бўлди. Ҳовлисидаги иссиқхонада болалари билан тинимсиз меҳнат қилди. Лекин топгани еб-ичишдан ва... дори-дармондан ортмади.

– Шу зайлда уч йилдан ортиқ вақт ўтди, – дея ўша кунларни эслайди онахон. – Бу орада бирон-бир ташкилотнинг остонасига бош уриб бормадим. Ўзимга эп кўрмадим. Қийинчиликлар жонимдан ўтган пайтда ҳам тишимни-тишимга қўйиб, чидадим, қўлимдан келганича ҳаракат қилдим, фарзандларимни борига қаноат қилиб яшашга ўргатдим...

Ҳа, орамизда Зарофат Рихсибоева сингари ўз бошига ёққан қорни ўзи кураб келаётган инсонлар, кам таъминланган ва моддий қўллаб-қувватловга муҳтож оилалар кўплаб топилади. Фақат буни яқин-яқингача тан олмай, инкор этиб келаётгандик, холос...

Лекин Янги Ўзбекистонда сиёсат бошқача, аниқроқ айтганда, халқчил кечди. Камбағаллик ҳукумат томонидан тан олинди. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мамлакатдаги камбағаллик даражаси 12-15 фоиз атрофида эканини маълум қилди.

Шундан сўнг бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, жадал ишлар бошланди. Масъуллар бириктирилиб, ҳудудма-ҳудуд, маҳаллама-маҳалла юрилди. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» шакллантирилди. Ҳар бир муаммо қатъий назоратга олиниб, натижаси бўйича ҳисоб сўралди. Мазкур саъй-ҳаракатлар асноси Зарофат опанинг ҳам елкасига офтоб тегди. Унинг олдига масъулларнинг ўзлари боришди.

– Мутасаддилар туриш-турмушимизни, уй-жойимизни кўздан кечириб, ёрдам таклиф қилишди, – дейди онахон. – Уларга тикувчилик ҳунарим борлиги, лекин оғир аҳволдаги турмуш ўртоғим ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган қизимни ёлғиз ташлаб, ишга чиқолмаслигимни айтдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай, менга тикув машинаси беришди. Эрим ва фарзандимни зарур дори-дармон билан таъминлашди. Бепул тиббий муолажалар олишимизда кўмаклашди. Уй-жойимизни капитал таъмирдан чиқариб беришди. Хуллас, барака топишсин, қўлларидан келган ёрдамни аяшмади. Тикувчилик ортидан рўзғорнинг кам-кўсти бутланди. Имтиёзли кредит асосида тикув машинасини учтага етказдим. Бунинг ортидан ўғил уйлантирдим, қиз чиқардим.

Дарҳақиқат, ҳукуматнинг мана шу сиёсати сабабли Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2023 йил давомида 14 фоиздан 11 фоизга камайди. Бу минглаб оилалар, миллионлаб одамларнинг турмуш шароити яхшиланганидан далолатдир.

Албатта, бу ишлар шу билан тўхтаб қолаётгани йўқ. Аксинча, янада жадаллашмоқда. Тегишли ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилаётир. «Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида»ги Президент фармони шулар жумласидан.

Унга кўра, 2024 йилнинг қолган даврида 500 минг, 2025 йилда 1 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ҳамда барча даражадаги органлар ва ташкилотларнинг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Эндиликда камбағалликни қисқартириш соҳасида эришилган ижобий натижалар ва тўпланган миллий тажриба ҳамда илғор халқаро амалиёт асосида ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган «Камбағалликдан фаровонлик сари» Дастури амалга оширилади ҳамда Дастурни амалга ошириш бўйича республика комиссияси ташкил этилади. Дастур 2024 йил 1 ноябрдан қуйидагиларни назарда тутувчи «Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият» тамойили асосида амалга оширилади:

– барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш;

– таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш;

– кафолатланган давлат тиббий хизматидан ҳамда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш;

– яшаш шароитларини яхшилаш;

– давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш;

– давлат органлари ходимлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш.

Дастур доирасида энг оғир аҳволдаги 1000 та маҳалла инфратузилмаси яхшиланади.

Шунингдек, «Камбағалликдан фаровонлик сари» Дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга кўра, қуйидагилар амалга оширилади:

– 2025 йил 1 январдан камбағал оила фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли асосда қабул қилинади;

– 2025-2026 ўқув йилидан камбағал оилалар фарзандларининг давлат ОТМ талабалар тураржойларидаги яшаш харажатлари бюджет ҳисобидан қоплаб берилади;

– 2025 йилдан «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан камбағал оилаларнинг фарзандлари учун алоҳида квоталар ажратилади.

Яна бир гап. 19 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Белгиланган вазифаларга биноан, 2025 йилдан 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар, 50 га яқин имтиёзни ўзида мужассам этадиган ягона «Ижтимоий карта» тизими йўлга қўйилади. Умуман, келгуси йили камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бюджетдан 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Қисқаси, камбағалликка барҳам бериш мақсадида долзарб ишлар бошланяпти. Насиб этса, тез фурсатларда юртимизнинг қай ҳудудида бўлишидан қатъи назар, кам таъминланганлар, иқтисодий ночор аҳволдагилар буни ўз танларида ҳис қилишади.

Дарвоқе, Зарофат Рихсибоева айни вақтда доимий иш билан банд – «Қирариқ» МФЙ хотин-қизлар фаоли. Демак, ўз ҳудуди бўйича камбағалликка қарши олиб борилаётган ишларга у ҳам фидойилик билан хизмат қилади.

Шунақа. Яъни яхшилик яхшиликни етаклаб юради.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Фикр



Келажакка оғир мерос қолмасин...

Яқинда икки курсдош устозимизни таваллуд айёми билан қутлаш учун ҳузурига бордик. Онамиздек қадрли бўлиб қолган инсон билан дийдорлашув чоғида ялтироқ қоғозга ўралган гулларни қўлларига тутқаздик.

Ажабки, устознинг ёришиб турган чеҳраси хиёл ўзгариб, кўзларида ёш қалқиди. «Аввало, мени йўқлаб келганларингиз учун мингдан-минг раҳмат, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Аммо буни ололмайман. Негаки, гуллар тирик мавжудот. Мен уларнинг кўз олдимда сўлиб, кейин чиқиндига ташлаб юборилишини шунчаки кузатиб тура олмайман, бардошим етмайди бунга», деган гапларини эшитиб, очиғи, аввалига бироз ранжидик. Бироқ чуқурроқ мулоҳаза қилганимиздан сўнг кўнглимиз таскин топди. Шунда беихтиёр менинг хотирам қатларидан қачонлардир ўқиганим – Асқад Мухторнинг қуйидаги сўзлари ёдимга келади:

Қилт этиб узилган япроқ ҳам,
Нақ қалбимга тегиб ўтади...

Ҳа, бугунги глобаллашув замонида инсониятнинг она заминга, ерга, дову дарахтларга бўлган муносабати кескин ўзгарган вақтда орамизда бир боғламгина гулнинг сўлиб, чиқиндига ташланишига бардоши етмайдиган инсонларнинг борлиги табиатга бўлган аёвсиз ёндашувимизни ўзгартиришимиз зарурлигидан дарак бериб турибди.

Сиз-чи, сиз ҳам ҳеч шу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Бугун сизнинг она табиатга бўлган муносабатингиз қандай? Ҳақиқатнинг кўзига тик боқиб сўзласак, сизу бизнинг айтажак жавобимиз у қадар қониқарли эмаслиги аён бўлади. Негаки, табиатни асраб-авайлаш ҳамда уни келажакка безавол етказиш борасидаги қарашларимиз, урф-одатларимиз ўз тизгинидан чиқиб кетган.

Оддий бир мисол. Аваллари туғилиб ўсган жойим – Фарғона водийсидаги аксарият оилалардан бирида янги меҳмон дунёга келса, унга атаб мевали ниҳол қадаларди. Сабаби эса хонадон соҳиблари киндик қони қуримаган ёш гўдакни худди ниҳол каби кўкка бўй чўзиб, униб-ўсин, мевали дарахт сингари ўзидан кўпайиб, серфарзанд, сердавлат бўлсин, дея эзгу ниятлар қилишар эди. Қолаверса, улар инсон ва табиатнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлигини яхши англашарди.

Бинобарин, бугун давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Яшил макон» умуммиллий ҳаракати доирасида ерга қадалаётган ниҳолларнинг эртанги тақдирига жавобгарлик масъулиятини ҳам ошириш керак. Яъни, бу борада кўзбўямачиликдан буткул воз кечишимиз лозим. Токи, кўчат экиб, боғ яратиш ҳар бир инсоннинг бурч ва масъулиятига айлансин.

Сир эмаски, ўтган йиллар давомида вилоят, шаҳар ва туман марказларидаги кўплаб истироҳат боғлари атайин ташландиқ ҳолга келтирилиб, сўнгра қайсидир тадбиркорларга ими-жимида бериб юборилди. Натижада туман ва шаҳарларимиз марказларидаги яшиллик ўрнини аллақандай бинолар эгаллади.

Истардикки, халқимиз ва миллатимиз неча йиллик тарихга эга истироҳат боғларида эмин-эркин маданий ҳордиқ чиқариш бахтидан мосуво бўлмасин. Шундай экан, бу борада бугунни ўйлаб эмас, эртани кўзлаб иш юритмоқ шарт. Токи одамлар истироҳат боғларида тўйиб-тўйиб маданий ҳордиқ чиқаришсин.

Мақолага нуқта қўярканман устознинг «...шунчаки кузатиб тура олмайман, бардошим етмайди бунга», деган сўзлари яна хаёлимда жонланди.

Хўш, сиз-чи? Сиз она табиатимизни инқирозга юз тутишини, заминимиздаги биологик хилма-хиллик йўқолиб бораётганини шунчаки кузатиб тура оласизми? Бардошингиз етадими бунга?

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ,
журналист

Мушоҳада

«РАССРОЧКА» ЭВАЗИГА «ОЛТИН ДАВР»ГА %

Бу ҳам замона зайлида, кейинги йилларда замонавий смартфон, ноутбук ва бошқа технологиялар ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Талабнинг ортиши уларни харид қилиш имкониятлари чекланган ҳолда муддатли тўловларга, яъни «рассрочка» (бўлиб тўлаш)га мурожаат қилиш заруратини юзага келтиряпти. Гарчи бу тенденция кўпчиликка замонавий технологияларга эрта эга бўлиш имкониятини бераётган бўлса ҳам, унинг ижтимоий ва психологик оқибатлари жуда жиддий.

Брендлар ўз маҳсулотларини «муваффақият» ва «бахтиёрлик» рамзи сифатида тақдим этишади. Компаниялар ёшларни замонавий гаджетларга жалб қилиш учун рекламага катта маблағ сарфламоқда. Бунда реклама кампаниялари уларни «харид қилиш»га қизиқтиришда фаол роль ўйнайди. Бунинг натижасида айрим ёшлар молиявий имкониятларга эга бўлмаган ҳолда «рассрочка»га мурожаат қилишади. Ўзларини қарзга боғлаб, тўлашда қийналиш хавфини ҳисобга олишмайди. Қизиққонлик билан харид қилинган маҳсулотга баъзи ҳолларда «рассрочка» пули тўлангунига қадар эҳтиётсизлик туфайли зарар етиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Оқибатда сотувчи ва харидор ўртасида келишмовчиликлар юзага келяпти.

Бунинг ёрқин исботини бир тенгдошим мисолида кўришимиз мумкин. У шартнома асосида таҳсил олади. Йилига 13 млн. сўм шартнома пули билан бирга, ойига 900 минг сўм ижара ҳақи ҳам тўлайди. Бундан ташқари, озиқ-овқат, транспорт ва кундалик эҳтиёжлар учун ҳам анчагина пул сарф қилиши табиий. Шундоқ ҳам дарсдан сўнг кафеда ишлайдиган сабоқдошимнинг даромат кўрсаткичи паст ва ўзлаштириш даражаси ҳам қониқарли эмас. Шундай кунларнинг бирида у Iphone 15 Pro Max телефонини муддатли тўлов эвазига олганлиги маълум бўлди. Қандай қилиб харид қилганлигини сўраганимизда, аввалги SamsungA14 телефонини янгиси эвазига бергани, бундан ташқари, бир йил муддатга ойига 1 млн. сўмдан тўлов қилиб туришини айтди. Орадан кўп ўтмай «янги» телефонда симкарта билан боғлиқ муаммо юзага келгани, сотувчига борса ҳеч нарса қилиб беролмаслигини ва қўшимча тарзда ойлик тўловини тезлаштиришини айтгани маълум бўлди. Ҳа, энди унда яхши ишлаб турган ўзининг Samsung телефони ҳам йўқ, аксинча, ҳар ой шахсий харажатларидан ташқари бир млн. сўмдан «симкартасиз» телефон учун тўлов суммаси бор эди. Бу ҳолни кузатар эканман, «рассрочка» ёшларни замонавий гаджетларга эрта эга бўлиш имкониятини бериши билан бирга, ёшларнинг айни илм ўрганиб, янги чўққиларни забт этадиган даврида қанчалик салбий оқибатларга олиб келаётганлигини ҳам ҳис қилдим.

Юқоридаги каби ёшларнинг тўловларни вақтида бажаришга қийналишлари уларни руҳий сиқилишга, ўзига нисбатан салбий муносабатда бўлишга олиб келиши мумкин. Энг ёмони, ўқишга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунки улар тўловларни бажариш учун қўшимча иш қилишга мажбур бўлишади.

Шуларни ёзар эканман, тенгдошларимга шундай мурожаат қилгим келди: «бугун сиз илм олиш йўлида изланяпсизми ёки «машҳурлик истаб» қимматбаҳо телефонлар сотиб олиш эвазига бор куч ва ғайратингизни туну кун ишлаб «рассрочка»га тўлаяпсизми? Мақсадлар ва қилинаётган барча ҳаракатлар аслида таълим олишга қаратилиши керакмасмиди? Тўрт йиллик олтин давримизни, қайтмас ёшлигимизни арзимас, ўткинчи матоҳларга боғлаб қўйишимиз тўғримикан? Вақт – неъмат, ёшлик – ғаниматдир. Зеро, талабалик давримизни ғанимат билиб, кераксиз нарсаларга эътибор қаратмайлик. Келажак учун фойданинг кони бўладиган илмларни ўргансак ва тенгдошларимизни ҳам шунга жалб қилсак мақсадга мувофиқ бўлади, албатта».

Машҳура ЖЎРАҚУЛОВА
«ISHONCH»

Мавзуга қайтиб...



МАТБУОТГА ТОШ ОТГАНДАН КЎРА, ОММАНИ МУТОЛААГА УНДАГАН МАЪҚУЛ!

Ўша куни бир маданий тадбирга бордим. Зал эшигидан ичкарига киришим биланоқ мени башанг кийинган баланд бўйли киши кутиб олди ва иккинчи қатордан жой кўрсатди. Ўриндиққа ўтириб олгач, ён-атрофимга оҳиста разм солдим. Залда саноқли одам бор эди. Саҳна тўрига эса йирик ҳарфлар билан тадбир мавзусига монанд «Юксак маънавият – енгилмас куч!» деган шиор битилганди.

Бир маҳал бояги одам дафтар ва қалам кўтарганча олдимга келиб:

– Кечирасиз, иштирокчилар рўйхатини тузишим керак, сиз қайси ташкилотдансиз? – деб сўради.

Мен исм-шарифимни ва ўзим ишлайдиган газета номини уч марта айтдим. Шунга қарамай, у ниҳоятда қийналиб ва бир нечта имловий хато билан ёзиб олди. Дафтарини ёпаётганида эса, истеҳзо аралаш «Одамлар ҳозир ҳам газета ўқияптими?» деди-ю, жавобимни кутмай, бошқа меҳмонларни кутиб олишга ошиқди.

Мен кутилмаган бу ҳолатдан ажабландим. Ахир маънавият тарғиботчиси, таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг зиёли қатлами вакили шунақа савол берса, бошқалардан нимани ҳам кутиш мумкин?

Шу онда Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг радио бўлимида ишлаган кезларим рўй берган воқеа ёдимга тушди. Бир сафар хизмат юзасидан спорт мактабида бўлиб, бой тажрибага эга, қўша-қўша мукофотлар соҳиби саналмиш мураббий билан суҳбатлашдим. Мулоқот тугагач, у эшиттириш қаерда берилишига қизиқди. Мен вилоят радиосида, 105.2 ёки 107.5 тўлқинлари орқали тинглаши мумкинлигини эслатдим. «Э, шунақами?.. – деди у энсаси қотиб. Кейин дилида борини тилига чиқариб қўя қолди. – Ҳозир ким ҳам радио эшитарди?..».

Мен шунақа таъна-маломатларни эшитсам, илм-фан ва маданият хазинаси саналган, зиё тарқатадиган, ижод ва тафаккур шаклланишига ёрдам берадиган, жамиятдаги ўзгаришларини ёритадиган, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил вазифасини ўтайдиган театр, музей, радио-телевидение ва газета-журналлар ҳақида чуқур ўйга толаман.

Негаки, бугун мамлакатимизда юзлаб театрлар бор, аммо томошабинлар саноқли. Кўпинча заллар деярли бўш бўлгани туфайли спектакллар намойиши бошқа вақтга қолдирилади.

Музейларимизда рассомлар ижодидан намуналар, ҳунармандлар яратган маҳсулотлар кўргазмалари ташкил этилади, лекин уларга қизиқувчилар оз.

Пойтахтда ва вилоятларнинг деярли барчасида радиоканаллар очилган, уларда берилаётган эшиттиришлар турли тилларда жаранглайди, бироқ тингловчилар кам.

Давлатга қарашли ва хусусий телеканаллар ҳам бисёр. Уларда вақти-вақти билан ижтимоий, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий мавзуларга бағишланган яхши кўрсатувлар ҳам берилади. Биз эса уларга унчалик қизиқмаймиз. Чунки аксариятимиз асосан менталитетимизга ёт сериалларни, савияси паст ва мантиқсиз кўрсатувларни, мазмун-моҳиятининг тайини йўқ дастурларни томоша қилишга ўрганиб қолганмиз.

2013 ЙИЛДА ҲАР 1000 НАФАР КИШИГА 5927 НУСХА ГАЗЕТА ТЎҒРИ КЕЛГАН, БУЛТУР ЭСА 727 НУСХАДАН ОШМАГАН. ЁКИ ШУ ДАВР МОБАЙНИДА ҲАР 1000 НАФАР АҲОЛИ ҲИСОБИГА ТЎҒРИ КЕЛГАН ЖУРНАЛЛАР, ТЎПЛАМ ВА БЮЛЛЕТЕНЛАР СОНИ ЎН БАРОБАРГА, ЯЪНИ 334 НУСХАДАН 34 НУСХАГА ҚАДАР ҚИСҚАРГАН.

Театр ва музейларга бормаслигимизга, китоб ва газета-журнал ўқимаслигимизга эса ҳар доим баҳонамиз тайёр: вақт йўқ!

Хўш, энди холисона айтинг-чи, у ҳолда маънавиятни қаердан оламиз? Маданиятни қаердан ўрганамиз? Сиёсий онгимиз, ижтимоий фаоллигимиз қандай қилиб ошади, дунёқарашимиз қандай кенгаяди? Эстетик дидимиз ва инсоний фазилатларимиз қай йўсинда шаклланади?..

Тўсатдан янграган қарсаклар садоси мени бу янглиғ ҳазин ўйлар оғушидан олиб чиқди. Ҳушёр тортиб, эшик томонга боқдим. Тадбир иштирокчилари расмий меҳмонларни олқишлаб кутиб олишди. Кейин улар навбатма-навбат сўзга чиқиб, узундан-узоқ маърузалар ўқишди. Лекин маънавият, унинг давлат ва жамият тараққиётидаги, ёш авлодни етук инсонлар қилиб тарбиялашдаги аҳамияти хусусида кўп тўхталмай, кўпроқ ўзларини ва ўзлари ишлаётган ташкилотни мақташга зўр беришди.

Тадбирдан чиқиб таҳририят сари борарканман, новча мезбоннинг кинояли табассуми кўз олдимдан кетмас, «Одамлар ҳозир ҳам газета ўқияптими?» деган пичинги қулоғим остида янграрди. Бу саволга жавоб топиш ниятида йўналишимни ўзгартирдим. Мамлакат миқёсида чиқадиган газеталарга оид аниқ маълумотларни олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги сари йўл олдим. Таҳририятга қайтиб келгач, ушбу ташкилот берган маълумотномани синчиклаб кўздан кечирдим. Унда қайд этилишича, жорий йилнинг июль ойи ҳолатига юртимизда 218 та газета чоп этилган. Агар давр бўйича таҳлил қилсак, сўнгги ўн йилда бу нашрлар рўйхати қарийб уч баробарга қисқарган. Айни ҳолат уларнинг сонига ҳам бевосита таъсир кўрсатган. Оқибатда газеталарнинг бир марталик адади 2013 йилда 3,7 миллион нусхани ташкил этган бўлса, 2023 йилда 600 минг нусхага тушиб қолган. Уларнинг йиллик тиражида ҳам фарқ катта, аниқроғи, 2013 йилда 179,2 миллион, 2023 йилда эса 27,5 миллион нусха бўлган. Демак, бир марталик ва йиллик тираж салкам етти баробарга камайган.

Эътиборни тортадиган яна бир кўрсаткич: 2013 йилда ҳар 1000 нафар кишига 5927 нусха газета тўғри келган, бултур эса 727 нусхадан ошмаган. Ёки шу давр мобайнида ҳар 1000 нафар аҳоли ҳисобига тўғри келган журналлар, тўплам ва бюллетенлар сони ўн баробарга, яъни 334 нусхадан 34 нусхага қадар қисқарган.

Маълумки, кичиклигида ва ёшлигида болалар боп газета-журналларни қўлига олмаган ўғил-қизлар кейинчалик катта нашрлар ва китобларни ўқишга ҳам қизиқмайдилар. Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, бизда болалар нашрларининг аҳволи ҳам ниҳоятда ачинарли. Уларнинг аксарияти аллақачоноқ чиқмай қўйган. Айримлари бир неча йил бурун 100 минглаб нусхада чоп этилган бўлса, ҳозир 2 мингтага ҳам етмайди. Шу боис мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги газета-журнал ўқишдан маҳрум бўлган. Мабодо, улардан «Қайси болалар газеталарини биласиз?» деб сўрасангиз, чуқур ўйга толишади.

Ижтимоий тармоқлардан газета, журнал, китоб, сурат, фильм, видео ва мусиқанинг электрон шаклини юклаб олиш билан боғлиқ маълумотларни ўрганишда қизиқ ҳолат кузатилди. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида ижтимоий тармоқлардан газета, журнал ва турли электрон китобларни ўқиган ёки юклаб олган 10 ёшдан катта аҳолининг улуши 30,8 фоиз бўлган. Фото, фильм, видео ва мусиқаларни юклаб олиш ёки юбориш учун Интернетдан фойдаланганлар эса 59,1 фоизни ташкил этган.

Юқорида тилга олинган кўрсаткичлар мамлакатимизда газета-журналлар сони ва адади кескин равишда камаяётганидан, биз эса мутолаадан, у орқали олинадиган билим, маданият ва маърифатдан узоқлашаётганимиздан далолат беради. Бу охир-оқибат маънавий таназзулга юз тутишимизга сабабчи бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Модомики шундай экан, «Газеталарнинг умри тугади», «Уларнинг йиллик нархи қиммат», «Обуна мажбурий эмас», «Баъзилари вақтида етказиб берилмайди», «Аксариятида ўқишли мақолалар ёритилмайди» деган баҳоналардан воз кечишимиз керак. Чунки газеталар тарихига назар ташласак, улар ҳамиша эл-юрт равнақ топишига, инсонлар онг-шуурини юксалтириш ва билимини оширишга, ўзлигини англашига катта ҳисса қўшгани ойдинлашади. Ҳозир ҳам ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ана шундай бир вазиятда «Бугунги одамлар газета ўқимайди, радио тингламайди», деб ҳамюртларимиз ҳафсаласини пир қилмаслик, аксинча, уларни имкон қадар китоб ва кундалик нашрларни мутолаа қилишга, яхши радиоэшиттиришларни тинглаш ва маданий теледастурларни кўришга, театр ва музейларга боришга ундаш керак. Бу борада, аввало, зиёлиларимиз оила аъзоларига, дўстлари ва жамоадошларига ўрнак бўлишлари жоиз.

Бадиий асарларга, оммавий ахборот воситаларига ошно тутиниш эса, биласиз, инсоннинг билим савиясини оширади, иродасини чиниқтиради, маънавиятини юксалтиради, уни қонунларга бўйсунишга ва тартиб-интизомга риоя қилишга ўргатади. Алқисса, Янги Ўзбекистоннинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фаридун ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

Эссе

ДАДА

Дада, нега ҳеч шеърларим ичида бўлмагансиз? Йўқ, йўқ... Шундай жумла ёзган эканман:

Отамнинг қавариқ
қўлидай ёриқ,
Оҳ, онам бағридай кенг,
юрагимай...

Дада, нега йиғиларим ичида йўқ эдингиз? Эсладим, йиғлаган эканман, аям билан жанжалларингизда эмас, кечирим сўраганингизда...

Дада, сиз ҳаётимнинг ҳар янги тажрибаси, ҳар босқичи ва ҳар лаҳзасида борсиз...

Биласизми, илк бор Тошкентга келганимда жуда қадрли нарсасини йўқотиб қўйган одамдай юрдим. Кейинроқ англадимки, у фақат сизнинг олдингиздагина руҳимда жонланадиган болалик эди. Бир куни дарсда қайси жанрда бўлмасин, ўзимиз билган, тан олган энг яхши муаллиф ким, деб сўрашди. Шунда исмингизни айтдим, ҳеч ким танимади... Тўғрида, сиз шоир, ёзувчи ёки рассом эмассиз-ку. Лекин дада, сиз бир ота қизига бера оладиган энг яхши болалик муаллифисиз. Бу мен учун ҳар қандай жанрдаги асардан баландроқ даража.

Доим ҳаётимни бир жумла қутқаради – «Дадамга айтиб бераман!». Шўхликларга, кулгиларга, орзуларга дастак бўлди бу сўз. Болалигимда акаларимнинг калтакларидан, аямнинг жаҳлидан, бугун эса жами ёмон одамлардан кўнглимни қутқаради!

Аям туғилганимда қанчалик хурсанд бўлганингизни кўп эслайди. Қизиқ, менинг ютуғимдан йиғлаган кунингиздан ҳам кўпроқ бахтли бўлганмикинсиз ўшанда... Чунки илк бор шу куни йиғлаганингизни кўрганман, тағин бахтдан!

Дада, мени неча ёшгача ерга қўймагансиз? Ахир, 6 ёшимдаги оилавий суратимизда ҳам елкангизда турибман-ку! Жавобини аниқ эслолмайсиз, негаки ҳали ҳам кафтларингиздан тушганим йўқ...

Доим жаҳлдор одам эдингиз, лекин шу ғазаб ичида улкан меҳр борлигини ҳаммамиз билардик. Кўп ишлардингиз, ҳеч мағлуб бўлганингизни, чарчаганингизни сезмадим. Балки ҳеч қачон сездирмагандирсиз. Баъзан бувим: «Уни ким туққан билмайман, юраги тош, дийдаси қаттиқ», деб қоладилар. Қаттиққўл, ҳеч ҳисларини очиқламайдиган дадамнинг машинасида Ўктам Мўминовнинг «Ота насиҳати» мусиқаси ботбот янграб турарди:

Болам, отам ўлган дема,
Мен ўзингда яшайман.
Ҳалол топган нону тузинг,
Ҳам сўзингда яшайман.

7 ёшдан буён оталик вазифасидасизу, лекин ҳеч нолинмадингиз. Бирор марта биз эшита оладиган даражада «Қани эди?..» демабсиз, фақат акамнинг тўй кунидан ташқари. Ўшанда шу тўй бошида бобом туришини истаган бир жумлангиз ичида 40 йиллик изтироб аён бўлганди...

Ҳаммамиз улғайдик, акаларим оилали ва уларга берган насиҳатингиз ичида бир жумла ҳеч эсимдан чиқмайди: «Агар уйингда нон бўлмаса, боланг юпун, аёлинг хафа бўлса-ю, сен кўчада юрсанг, эркакликка даъво қилма! Агар ошинг ҳалол бўлмаса, барака ва бахт ҳақида унут!».

«Бир пайтлар энг катта орзуимиз биттагина «Тико»ча олиш ва шу билан рўзғорни яхшироқ қилиш эди» дейди аям. Мен у кунларга гувоҳ эмасман, лекин аямнинг қишки пальтоси яроқсиз ҳолга келгунча 10 йиллар ўзгармагани эсимда. Жуда кўп тураржой алмаштирганимиз, ҳар доим ҳозиргисидан-да яхшироқ уйларга кўчганимиз ҳам ёдимда.

Қорачадан келган, бўйлари узун, аямнинг таърифи билан айтганда «чайиргина», кўзлари мўғулларникидай қисиқ, тўрт гапининг учтасида ҳазил бор, киноя даражаси юксак, ақлли ва бу ҳаётда энг баланд қадриятни ор деб ҳисоблайдиган дадам бугун 51 ёшни қарши оляптилар. Ҳар йили туғилган кунларида нимадир ёзиш ҳақида ўйлардиму, ҳеч бу ишнинг уддасидан чиқолмасдим. Аслида ҳам одам энг севганлари ҳақида гапира олмайди... Лекин шахсий кундалигимда бир жумла қолдирган эканман:

«Дада, бир кун сиз ҳақингизда ёзаман. У буюк ёзув бўлмайди, лекин мен учун буюк одам ҳақида бўлади!».

Эъзоза
УЧҚУН қизи

Эълон

«УРГАНЧТРАНСГАЗ» унитар корхонаси суғурта қилиш бўйича 2025 йил учун шартнома тузиш юзасидан танлов эълон қилади

«Урганчтрансгаз» унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги 177-сонли ва «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги 141-сонли қарорлари ҳамда «Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби тўғрисида»ги 271-сонли қарори талаблари асосида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини ва хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 2025 йил учун шартнома тузиш юзасидан танлов ўтказилади.

Шу муносабат билан, суғурта қилиш юзасидан шартнома тузиш ҳақида тижорат таклифларингизни (тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда) жорий йилнинг 25 ноябрь кунига қадар «Урганчтрансгаз» унитар корхонасига тақдим этишингизни сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар учун 62-223-03-04 телефон рақамига мурожаат қилиш мумкин.

Эълонлар

«ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона таъсисчиларининг 2024 йил 14 декабрь куни ўтказилиши белгиланган умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги қўшимчалар киритилди:

«ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги хорижий корхонанинг дебитор-кредитор қарздорликларининг муҳокамаси.

«ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона таъсисчиларига жамиятнинг молия йили якуни бўйича дивиденд тўлаш масаласининг муҳокамаси.

«ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона балансидаги эскирган ва ишлатилмасдан турган асбоб-ускуналарни ҳисобдан чиқариш масаласи.

Ташкилий масала (жамият раҳбарини вазифасидан озод қилиш ва янги раҳбарни сайлаш).

МАЪМУРИЯТ

Хитой Халқ Республикаси томонидан 2016 йил 8 декабрда Баирганжианг Паизула номига берилган Е 85868592 рақамли Фуқаролигини тасдиқловчи паспорти йўқолганлигини маълум қиламиз.

* * *

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар, Чариков кўчаси, 224-уй учун Джурабаев Тахир Хусанович (марҳум) номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Янгийўл шаҳар Мудофаа бўлими томонидан Джамалов Саиджалол Баракаевич номига берилган АДРда ҳарбий хизматни ўтганлиги учун берилган А № 610196 -рақамли имтиёзлар тўғрисидаги гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

1993 йил 30 апрелда Лысенко Альфред Николаевич номига берилган №05-02/11019 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Abdurahmonov

Musahhihlar:
U. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 20:50
Topshirildi – 21:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 012 та
Shundan:
7 130 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6